SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 25-OKTABR ■ SHANBA ■ 125 (27.145) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон — Австрия

«DECK — INVEST»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТУШДИ

Эсингизда бўлса, шу йил июнь ойида мамлакатимиз Президенти Оқсаройда австриялик ишбилармонларни қабул қилиб, унда Ўзбекистон — Австрия ҳамкорлигини ривожлантириш ва қўшма корхоналар сонини янада кўпайтириш лозимлиги борасида фикр юритганди ҳамда австриялик сармоядорларни юртимизга ҳамкорликда ишлашга даъват қилганди. Шундан сўнг, кўп ўтмай айни шу масалалар муҳокамасига бағишланган бизнес семинар ҳам бўлиб ўтганди. Куни кеча Тошкентда очилган «DECK — INVEST» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси ана шу саъй-ҳаракатларнинг самараси бўлди.

— Корхонамиз, — дейди унинг директори Анвар Раҳмонов, — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Деск маркетинг» компанияси, «Қурилишбутлашхизмат» корхонаси, «Осиё гранит», «Асака банк» бўлимлари ва америкалик ишбилармон Марк Хушманд ташаббуси билан бунёд топди. Биз, асосан, иншоотлар томи учун металл черепицалар ва тунука қопламалар ишлаб чиқарамиз. Хомашёни ҳозирча Россиянинг Новолипск шаҳридан оляпмиз. Финляндиядан келтирилаётган асбобускуналар ва махсус линияларда кунига 5 мингтагача металл черепицалар ва 15 мингтагача тунука қопламалар тайёрлай оламиз. Корхона йилига 6 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга.

Маҳсулотларимиз енгил, ихчам ва юқори сифатли бўлиб, жаҳон андозаларига тўла мос келади. Кафолати 50 йил. Уларни харидорлар дидига мослаб, бугунгача 4 хил рангда тайёрлашни ўзлаштирдик. Компания президенти П.К.Шмитд мамлакатимизда 1996 йилдан буён ишлаб келади. «Янги вега», «Delta invest», «Visso» каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилишида унинг алоҳида хизматлари бор...

Дарвоқе, одатда ҳар биримиз бинолар ва иншоотларга кўзимиз тушганда, аввало унинг хушбичимлигига қараб баҳо берамиз. «DECK — INVEST» ҳам тез орада ўз маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорларда муносиб ўрин топишига шубҳа йўқ.

Шуҳрат ОХУНЖОНОВ



Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

191 ДАВЛАТНИ БИРЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ

1945 йилнинг 24 октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми кучга кирди. 1948 йилдан эътиборан эса бу кун БМТ куни сифатида нишонланади.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тажовузкорлик хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсонпарварлик соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш БМТ мақсадларидандир.

Ҳозирги пайтда БМТ аъзолигига 191та давлат киради.

1992 йилнинг 2 мартида мустақил Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кириб, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ўтган муддат давомида мамлакатимиз ўзининг тинчликпарвар мақсадлари ва оқилона ташқи сиёсати туфайли халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТнинг юқори минбаридан сўзлаган нутқларида дунё ва минтақа миқёсида халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддалар тарқалишига чек қўйишда барча давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, Марказий Осиё минтақасидаги долзарб экологик муаммоларга эътиборни қаратиш заруратини таъкидлаган.

Тинчлик ва тараққиёт тушунчалари замонамизнинг асосий ғояси ва барча халқларнинг эзгу орзу- умидларига айланиб қолган. Сўнгги йиллардаги воқеалар курраи заминимизнинг турли чеккаларида рўй бераётган ҳарбий қарама-қаршиликларни бартараф этишда БМТнинг нечоғлик муҳим мавқега эгалигини кўрсатаяпти.

Бироқ сўнгги пайтларда БМТ ўз фаолиятида қатор муаммоларга дуч кела бошлади. Баъзи давлатлар томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорларини эътиборга олмаслик ҳолатлари, молиявий маблағларнинг чегаралангани ва ташкилотни тубдан ислоҳ қилиш зарурати шулар жумласидандир.

Айни пайтда БМТнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти каттадир ва ҳеч қайси ташкилот унинг ўрнини боса олмайди. Халқаро муаммоларга ечим топишда БМТ Низоми ва тамойиллари асосий меъёр бўлиб қолмоғи даркор.

Баҳодир МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА,
Нью-Йорк шаҳри

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур қўмита раиси Ў.Ҳошимов бошқарган йиғилишда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижросига оид масала муҳокама этилди.

Ушбу қонун ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона — оммавий ахборот воситалари кенг ривожланган вилоят. Бугунги кунда вилоятда 72 номдаги газета чоп этилмоқда. Уларнинг кўпчилиги нодавлат ва тармоқ газеталаридир. Газеталарнинг барчаси офсет усулида босилмоқда. Мавзулари ҳам ранг-баранг. Фарғона, Марғилон, Қўқон телевидениеси ишлаб турибди. Сўх туманида тожик тилида эфирга чиқувчи телеканал бор.

Камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, айрим теле ва радиоканалларда берилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар, газеталарда чоп этилаётган материалларнинг сифат ва савияси пастлигича қолмоқда. Бундай нуқсонларни тузатиш учун ижодкорлар мамлакатимизда журналистлик фаолият учун яратилган кенг шароитдан самаралироқ фойдаланмоқлари зарур.

(ЎзА)

ХДП хабари

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

2003 йилнинг 24 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Корея Меҳнат партияси Марказий Қўмитаси Халқаро бўлими масъул ходимлари Ли Сын Рок, Сон Гван Су ҳамда КХДРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Чхор Гван қабул қилиндилар. Меҳмонлар КХДРнинг ҳаёти ва Корея ярим оролидаги вазият тўғрисида ахборот бердилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга мустақил юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ХДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки ҳамда унинг яқин истиқболга мўлжалланган режалари тўғрисида сўзлаб берди.

Учрашувда, Ўзбекистон ХДП МК котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

ОБУНА — МУҲИМ ИШ

ЎзХДП МК Котибияти Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилмаларининг партия матбуот нашрларига 2004 йил учун обунани ташкиллаштириш юзасидан асосий вазифаларини белгилади.

Шу масалага доир қабул қилинган қарорга мувофиқ, ХДПнинг барча ташкилотлари, мазкур нашрлар таҳририятлари партия нашрларига келгуси йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида амалий чора-тадбирларни кўришлари, бу муҳим ишга фаоллар, ҳомийларни жалб қилишлари лозим. Котибият обунанинг боришини назорат этиш бўйича МК Ишчи гуруҳи таркиби, обуна мавсумини ўтказишда алоҳида ўрнак кўрсатган партия ташкилотларини рағбатлантириш тартибини тасдиқлади. Шунингдек, барча даражалардаги партия кенгашларига ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журналига ҳамда минтақавий партия кенгашлари нашрларига энг камида бир нусхадан обуна қилинишини таъминлаш вазифаси топширилди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

КЎРГАЗМАДА САНЪАТ АСАРЛАРИ

Япония марказидаги Гунма префектурасида Марказий Евро Осиё клуби, Ўзбекистон Бадиий академияси ва мамлакатимизнинг Японияда элчихонаси ҳамкорлигида ўзбек халқ амалий санъати кўргазмаси уюштирилди.

Сўнгги йилларда ушбу префектурада — ўзбек киноси кунлари, Ўзбекистон рассомлари кўргазмаси, юртимизнинг кўҳна тарихига бағишланган ўқув-семинар, кулолчилик ва тўқимачилик кўргазмалари ўтказилиб, кўпчиликнинг эътиборини жалб этди.

Навбатдаги кўргазмада тақдим этилган Марғилон атласлари, Самарқанд ва Бухоро сўзаналари, камалак ранг духобалар ҳамда Риштон кулолчилиги намуналари киши кўзини қамаштиради. Хусусан, кўҳна ўзбек тўқимачилигининг бой анъаналари асосида қайта яратилган пахта ва ипак матолари ҳар бир томошабинда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган ушбу тадбир доирасида таниқли ўзбек рассоми Т.Қўзиевнинг фотокўргазмаси ҳам намойиш этилди. Лавҳаларда акс эттирилган асрий анъаналаримиз, оддий устачиликни катта санъат даражасига кўтарган уста боболар ҳамда қўли гул момолар образлари японияликлар томошабинларни бефарқ қолдирмади. Марказий Евро Осиё клубининг аъзоси Акико Кожима хоним бу борадаги ўз фикрини қуйидагича ифодалайди:

— Шахсан менда Ўзбекистонга бориш имконияти бўлмаган бўлса-да, мамлакатингиз ҳақида жуда кенг маълумотга эгаман. Хусусан, ўзига хос маданият ва бой тарихга эга юртингиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли улуш қўшганини жуда яхши биламан.

Яқин келажакда айнан ушбу кўргазма экспонатлари билан Японияниг бошқа йирик шаҳарлари — Токио, Осака, Киото ва Нара аҳолисини ҳам таништириш режалаштирилган.

Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон»АА,
Маебаши — Япония

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

«Ҳосил — 2003»

ҲАР БИР КУН ҒАНИМАТ

— ҲОСИЛ МЎЛ, УНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ, — дейишмоқда 275 минг тонналик пахта хирмонини уюшга бел боғлаган Тошкент вилояти пахтакорлари

Дарҳақиқат, жорий йилда пойтахт вилояти пахта далаларида ҳосил ҳар сафаргидан ҳам мўл бўлди. Агар, яқин орада Тошкент — Термиз йўналишидаги катта йўлдан юрган бўлсангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўлгансиз: йўл четидаги оппоқ пахта пайкалларини кўриб кўз қувонади. Вилоятдаги аксарият пахта майдонларида ҳосил яхши пишиб етилди. Ҳозирги очиқ ҳаволи кунлар ғанимат. Айни дамларда вилоят пахтазорларида 200 мингдан зиёд маҳаллий теримчи билан бир қаторда минглаб кўнгилли ҳашарчилар, 180 дан зиёд «Кейс» ва бошқа русумдаги терим машиналари ишламоқда. Энди асосий вазифа етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборат. Чиноз, Янгийўл, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари пахтакорлари кунига йиллик режанинг 3-4 фоизи миқдорида пахта хомашёси тайёрлаб, бошқаларга намуна бўлишмоқда. Жорий йилда 19минг 980 тонна пахта хомашёсини қабул пунктларига етказиб беришга ахд қилган йиллик режанинг 90 фоизи миқдорида пахта тайёрлаган Чиноз тумани пахтакорлари вилоятда карвонбошилик қилмоқда. Тумандаги «Эшонобод» ширкат хўжалиги пахтакорлари пахта тайёрлаш режасини 17 иш кунида вилоятда биринчи бўлиб адо этишди. Қабул пунктларига 1040 тоннадан зиёд юқори сифатли хомашё етказиб берилди. «Дўстлик», «Олмазор», Собир Раҳимов, Алишер Навоий номидаги ширкат хўжаликларида ҳам давлатга пахта сотиш режалари уддаланди. Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги аъзолари 325 гектар майдонга пахтанинг «С-6524» нави уруғини қадаган эдилар. Ёғингарчиликлар боис, бир қанча пахта майдонлари бузиб қайта экилди. Шундай бўлса-да, хўжалик пудратчилари биринчи теримнинг ўзидаёқ, 30-31 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлишди.

— Биз бу йил 1000 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта хомашёси етказиб беришга қарор қилганмиз, — дейди хўжалик раҳбари Фозилжон Мавлонов. — Йиғим-терим ишларига пудратчи оилалар аъзоларидан ташқари, 680 дан зиёд теримчи ҳамда кўнгилли ҳашарчилар жалб этилган. Далалардан йиғиб-териб олинаётган ҳосил асосан биринчи навларга сотилмоқда. Шу кунгача, хўжаликда 900 тоннадан зиёд пахта хомашёси тайёрланди. Бу дегани — режага етишга саноқли кунлар қолди, дегани.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. **Йиғим-терим суръати вилоятнинг бошқа туманларида нега суст бормоқда?**

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим хўжаликлар раҳбарлари қуёшли кунлар қадрига унчалик етмаётганга ўхшайди. Йиғим-терим ишлари чўзилиб, ёғин-сочинли кунларга қолса, нав пасайиб даромаднинг чўғи пасайишидан наҳотки ташвишланмаётган бўлса?!

Очиғи, ҳамма гап хўжаликлар раҳбарларию деҳқоннинг ўзига боғлиқ. Далаларда эса ҳосил мўл, уни тезроқ йиғиб-териб олишда чинозлик пахтакорлар тажрибаси билан қизиқиб кўриш фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

«Пахта — 2003»



Нарпай туманидаги «Самарқанд» ширкат хўжалиги бободеҳқонлари жорий йилда 260 гектар ерга чигит қадаб, 630 тонна «оқ олтин» хирмони кўтардилар. Ҳосилдорлик гектарига 35 центнерни ташкил этди.

— Биз яна 300 тонна пахта топишириш мажбуриятини олдик, — дейди ширкат хўжалиги раиси, тажрибали деҳқон Пирмуҳаммад Эргашев (суратда). — Шу кунгача хўжалигимиздан 20 километр узоқликда бўлган чўл ҳудудидан 230 гектар ер ўзлаштирдик. Шунга яна 300 гектар қўшилади. Ушбу жойга сув чиқариш насос станцияси қурилаяпти. Янги ўзлаштирилган ерлар хўжалик иқтисодини кўтариши билан бирга янги иш ўринлари очишга ёрдам беради.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!

Бизнинг йўлимиз аниқ ва равшан. Истиқлол, мустақиллик йўлидан, озодлик, эркинлик йўлидан изчил бориш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқимиз учун фаровон ҳаёт қуриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш.

Ислом КАРИМОВ

ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

УЙҒУНЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ БОИС, МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМЛАРИНИ ҚАМРАГАН МАХСУС ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ, ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШМОҚДА. БУНИ ЮНИСЕФНИНГ «2003 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ МОНИТОРИНГИ» ТАДҚИҚОТЛАРИ ҲАМ ЯҚҚОЛ КЎРСАТДИ

Хабарингиз бор, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмаси билан Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилган тадқиқотда Ўзбекистон энг яхши кўрсаткичга эга эканлиги намоён бўлди. Унда дунёнинг 27 мамлакати турмуш тарзининг фаровонлик даражаси «Жини» коэффициентига кўра қиёсий таҳлил этилди.

Биласиз, мураккаб иқтисодий бўҳронлар, низолар ва ижтимоий соҳадаги оғир муаммоларни бошидан кечирган мазкур мамлакатлар илгари тарқаб кетган 8 давлат ҳудудларида пайдо бўлиб, аҳолишунослик харитасида катта ўзгаришлар рўй берди. Тадқиқотда айни шу харитага тушган мамлакатларнинг фаровонлик кўрсаткичлари билан бирга амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий жиҳатига ҳам баҳо берилди. Хусусан, унда Ўзбекистон халқи тинчлик ва барқарорлик сарҳадларида собит туриб, мустақилликнинг илк кунларидан бошлабоқ бошқарув сиёсатида энг тўғри йўлни танлаганлиги яна бир бор ўз ҳаётий тасдиғини топди.

Тадқиқотда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 2002 йилда 1989 йилга нисбатан 106,8 фоиз (МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткич!)ни ташкил этганлиги (ҳолбуки, бу кўрсаткич Молдовада 38,4, Россияда 64,3, Қозоғистонда 85,6 фоиз бўлганлиги) таъкидланган. Унда келтирилган рақамларнинг эътиборли жиҳати шундаки, аввало уларни бизнинг яқин дўстимиз, қариндошимиз ёхуд бизга хайрихоҳ бирор киши эмас, балки башариятнинг энг нуфузли ва энг холис халқаро ташкилоти — БМТнинг Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ) экспертлари айтишди. Энг муҳими, «Жини» коэффициенти қўлланиб ўтказилган мазкур тадқиқотда аҳоли турмуш даражаси ижобий томонга ўзгаришини таъминлаш учун мамлакатимизда **иқтисодий ислоҳотлар ижтимоий сиёсат билан уйғун** олиб борилганлиги ёрқин ифода этилди.

Изоҳ: «Жини» коэффициенти деганда, аҳолининг барча қисми бир хил даромадга эга бўлса, «Жини» — 0 га, борди-ю, ҳамма даромад битта субъект тасарруфида бўлса — 1,0 га тенг бўлади. Илғор мамлакатларда бугунги кунда «Жини» 0,25-0,35 га тенг бўлаяпти. Бу — иқтисодчилар баҳоси билан айтганда, яхши кўрсаткич!

Дарвоқе, 2002 йилда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари салмоқли бўлди. Бошқача айтганда, иқтисодиётимиз тараққиёти йўлида ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижалари, стратегик салоҳиятимиз ва узоқ истиқбол ҳамда яқин келажакка мўлжалланган Дастуримиз бугунги кун амалиётига мос тушди. Мустақилликда ўтган йилларнинг ҳар биридаги каби ислоҳотларни эркинлаштириш ва халқ хўжалиги тармоқларида барқарор, мутаносиб ўсишни таъминлашга йўналтирилган йўл изчил давом эттирилди. Хусусан, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва акциялаштириш ҳамда хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ҳиссасини янада оширишга алоҳида эътибор берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил (февраль) «2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари»ига бағишланган мажлисида қайд этилган мана бу фактларга диққат қилинг: 2002 йил давомида 2 мингга яқин (дастурда кўзда тутилганидан 1,5 баробар кўп) давлат корхонаси ва объектларида мулк шакли ўзгартирилди. Давлатга қарашли корхоналар объектларининг 1 минг 280 таси тўлиқ хусусий мулкка айлантирилди. Мавжуд 240 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхонанинг 38 мингга яқини фаолият кўрсата бошлади. Биргина тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан 370 минг янги иш ўринлари яратилди. Ялпи ички маҳсулотнинг 73,3, саноат маҳсулотларининг эса 71,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг деярли ҳаммаси нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди.

Янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 2002 йилда ялпи ички маҳсулот — 4,2 фоизга, саноат маҳсулотлари — 8,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 6,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 11,8 фоизга ўсди. Бошоқли дон етиштириш бўйича эса — 5 миллион 400 минг тонналик улкан хирмон бунёд этилди. Иқтисодиётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 3,8 фоизга кўпайиб, 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортди. Шундан, 650 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 20 фоиздан кўпроғи хорижий инвестициялар бўлди.

«Буларнинг барчаси, — деган эди ўшанда Президентимиз Ислом Каримов, — **тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ».**

Ҳа, ЮНИСЕФ мониторинги тадқиқоти кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, 2002 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги йўлида макроиқтисодий ўзгаришлар суръати жадаллашди. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий жиҳатини кучайтириш ва одамларнинг турмуш тарзи даражасини кўтариш йўлида махсус фармонлар билан хусусий сектор роли оширилди. Корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги кенгайтирилди.

Шунингдек, концернлар, уюшмалар ва холдинг компанияларнинг илгаригидек вазирликлар каби иш юритишларига чек қўйилди. Уларнинг корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувининг олди олинди. Акциядорлик жамиятларига айлантирилган жамоаларни бошқаришда акциядорлар роли кучайди. Ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан мунтазам янгилаб бориш учун йирик трансмиллий компанияларни профессионал кадрлар билан таъминлаш тизими яратилди.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси ислоҳотлар ислоҳотга эмас, одамларга хизмат қилишини изчил таъминлаб бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳияти ва ижтимоий нуфузини тобора оширишда асосий омил бўлди. Буни шу йил — «Обод маҳалла йили»нинг ўтган тўққиз ойлик якунларида ҳам яққол кўриб турибмиз. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо товар айланмаси, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот 104 фоизга ўсди. Иш ҳақи, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар ошиб, аҳолининг пул даромадлари кўпайди. Истеъмол бозорини ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган жаҳон андозаларидаги сифатли, кўркам ва арзон маҳсулотлар билан тўлдириш саъй-ҳаракатлари авж олди. Пировардида, хусусийлаштириш жараёнлари янада тезлашиб, корпоратив бошқарув услубига ўтила бошланди. Паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналарда таркибий ўзгартириш ҳамда молиявий соғломлаштириш ишлари давом эттирилди.

Буларгина эмас, иқтисодиётнинг молия ва реал секторларида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўлида инфляция даражаси ўтган йилнинг шу давридаги 17,4 фоиздан 0,3 фоизгача пасайишига эришилди. Бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 515 миллион АҚШ долларидан ошди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг олтин — валюта заҳираси кўпайди.

Хуллас, гапнинг мухтасари, мустақилликнинг ўн учинчи йилидирки, мамлакатимизда муаммоларга доим комплекс ёндашиш ва улар ижросига узоқ-узоқ истиқболларни кўзлаган ҳолда кенг жамоатчиликнинг уюшқоқлик билан изчил киришувини таъминлаш туфайли эришаётган барча ютуқларимиз ҳамда аҳолининг тобора яхшиланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги даражаси кўрсаткичлари бугун ЮНИСЕФ ўтказган тадқиқотларда ўзини яна бир бор намоён қилди.

Бу — такрор айтиш жоиз, биз аввал бошданоқ тўғри йўл танлаганимизнинг ёрқин тасдиғи. Чунки, биз истиқлолнинг илк тонглариданоқ, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исбот қилиш учун бирор бир халқ ёки миллат насибасига кўз тикмадик, улар кўзлаган манзилларни орзу ҳам қилмадик. Ўз йўлимиздан ўз насибамиз, ўз манзилимиз ва ўз келажагимиз сари собит қадам ташладик, ташлаяпмиз, ташлайверамиз.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ШАРОФАТЛИ ВА БАРАКОТЛИ ОЙ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Муҳтарам ва азиз юртдошлар, муборак Рамазон ойига етиб келдик. Мана шундай мунаввар кунларга етказгани учун Аллоҳга ҳамду сано, шукроналар айтамиз. Мустақиллик шарофати билан бундай муқаддас ибодатларни эмин-эркин адо этиш имконига эгамиз.

Аллоҳ таоло Рамазони шариф ойида кишиларни ҳидоят сари бошловчи, инсониятга бахт-саодат йўлларини кўрсатувчи Қуръони каримни нозил қилган. Шунинг учун бу кунларни кечалар тоат ва ибодатда қоим, кундузлари соим — рўзадор бўлиш билан ўтказамиз.

Рўза Қуръон оятлари, пайғамбаримиз ҳадислари ва ижмои уммат билан собит бўлгандир.

Маълумки, рўзанинг луғавий маъноси «мутлақ ўзини тийиш» бўлиб, шариатда балоғат ёшига етган киши Аллоҳ таоло розилигини топиш умидида саҳардан то қуёш ботгунча еб-ичиш ва жимодан ўзини ушлаб туришига айтилади. Унинг фарз, ихтиёрий нафл, каффорат, назр, қурбонлик ўрнига тутиладиган рўза каби бир неча турлари мавжуд.

Рамазон рўзаси эса, Қуръон ва ҳадис орқали мусулмонларга фарз бўлган амаллардандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло «Бақара» сурасининг 183-оятида баён қилади:

«Эй мўминлар! Тақводор кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди».

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)

«Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзлигига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» — дедилар.

Ислом енгиллик динидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **«Аллоҳ ҳеч бир жон устига унинг қудратидан ортиқ ишни юкламайди»,** дейди («Бақара» сураси, 286-оят). Унинг марҳамати ва ҳикмати билан бу ибодат ҳам қудрати етган кишиларгагина фарз қилинди. Агар бир киши хасталигининг кучайиши ёки тузалишининг кечикишидан қўрқса, сафарда бўлса, ҳомиладор ёки эмизикли аёл гўдагига зиён етишидан хавотирда бўлса, табаррук ёшга етган бўлиб, ҳолдан тойса ва рўза тутишга қурби етмаса ундай кишилар рўза тутмасликлари жоиз. Улар рўза тутишга моне бўлган сабаблар кетганидан сўнг, қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табаррук ёшдаги отахон ва онахонларимиз рўза тута олмасалар ҳар кунги рўза учун бир мискин таоми миқдорида фидя берадилар.

Барча ибодатлар каби рўзанинг ҳам ўзига яраша шарт-шароитлари, мустаҳаб ва макруҳлари бор. Жумладан, саҳарликни таъхир қилиш (тонг отишига тақаб тўхтатиш), ифторликни эса аксинча тез (яъни, қуёш ботиши билан) қилиш мустаҳабдир. Рўзадор фақат оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда ўта ҳушёр, бошқалар билан муомалада мулойим бўлиши, ўз нафсига ҳокимлик қилиши лозим. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, етимесирлар, беморларга ўзининг қалб қўри, меҳр тафти ила ғамхўрлик кўрсатиши даркор.

Рўзанинг мукаммал бўлиши учун ёлғон сўзлаш, иғво ва бўҳтон қилиш, нолойиқ сўзлар билан ўзгалар дилини оғритиш каби иллатлардан ўзини сақлаши лозим. Бу борада пайғамбаримиз муборак ҳадисларида: *«Қайси бир рўзадор ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат еб-ичишини тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас»,* — деб марҳамат қилдилар.

Рамазони шариф тоат-ибодат, қут-барака, бахт-саодат ойидир. Шунинг билан бирга, бу ойда гуноҳлар мағфират этилиб, тавба-тазарру, чин ихлос ва эътиқод ила қилинган дуолар мустажоб бўлади, қалблар таскин топади, қилинган хайрли ишлар савоби бир неча бор зиёда қилинган ҳолда қабул қилинади, иншоолоҳ.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) муборак ҳадисларида: *«Агар умматим Рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканини яхши билганида эди, фақатгина шу бир ой эмас, балки йилнинг қолган ҳамма ойларида ҳам рўза бўлишини орзу қилган бўларди»,* — деб марҳамат қилганлар. Яна бир ҳадисда айтадиларки: *«Рамазон ойининг биринчи ўн кунлиги раҳмат, иккинчи ўн кунлиги мағфират ва учинчи ўн кунлиги дўзахдан паноҳ топиш кунларидир».*

Бу мағфират ойида меҳр-мурувват, саховат, олиҳимматлик кўпроқ қилинади. Бирор сабабга кўра араздашган, гина-кудуратли инсонлар ҳам бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро узр сўрашадилар. Биламизки, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Тўй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида»ги Фатвосида таъкидланганидек, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошиш, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар ақлан ва шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Қуръони каримнинг Исро сурасида: **«Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтоннинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди»** — дейилади (26-27-оятлар).

Демак, силаи раҳм, хайр-эҳсон ва турли садақаларни беришда ҳам меъёрдан ташқари харажат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ томонидан ман этилган. Шунингдек, Қуръони каримда хайр-эҳсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳнинг суюкли бандалари экани таъкидланади:

«Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида — мўътадилдир» (Фурқон сураси, 67-оят).

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан: *«Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинглар, садақа қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглар!»* — дейилади (Имом Аҳмад, Насоий, Ибн Можжа ривоятлари).

Яна бир бошқа ҳадиси шарифда: *«Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам ўртаҳол бўлиш қандай яхшидир»* — дейилган (Абу Бакр Баззор ривояти).

Тежамкорлик тўғрисидаги ҳадиси шарифда эса: *«Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди»* — деб айтилган (Имом Аҳмад ривояти).

Эътиқодимиз бўйича, инсон намоз, рўза, ҳаж, хайру садақа, тиловати Қуръон каби амалларининг савобини маййитларга бағишласа, албатта савоби етади. Шунга кўра, ушбу мақсадда иқтисодий имкониятга қараб, хоҳлаган вақтда фақир ва мискинларга эҳсон дастурхони ёзиш жоиз. Савоби яна ҳам улуғ бўлиши ҳамда келган меҳмонлар руҳий ва маънавий озуқа олишлари учун бундай эҳсонларни енгил ва ихчам тарзда, амри маъруф шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **«Уларнинг кўпгина шивир-шивирларида — агар садақа бериш ёки эзгулик, одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрмаган бўлса — яхшилик йўқдир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шуни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз»** (Нисо сураси, 114-оят).

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, эҳсон фақат зиёфат кўринишида эмас, балки ўша зиёфатга кетадиган маблағни муҳтож оилалар, меҳрибонлик ва қариялар уйлари, ободонлаштириш ишлари, ёшларга илм-маърифат тарқатиш йўлларига сарф қилинса нур устига нур бўлур.

Исломда барча хайру эҳсонлар бошқа амаллар каби, авваламбор, Аллоҳ розилигини топиш учун бўлмоғи лозим. Хўш, қандай қилинса Аллоҳ рози ва эҳсон Унинг ҳузурида мақбул бўлади? Бунинг бир неча шартлари бор:

Биринчи: Эҳсон учун сарф қилинаётган мол-дунё ҳалол йўл билан топилган бўлиши шарт. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинади: *«Банда ҳаромдан мол топиб, эҳсон қилган билан молига барака кирмайди. Садақа қилса қабул қилинмайди»* (Имом Аҳмад ривояти).

Иккинчи: Холис Аллоҳ учун бўлмоғи шарт. Одамлар кўрсин, мақтасин деб, риё шаклида қилинган эҳсон мақбул эмас. Қуръон оятларида молдунёсини хайрли ишга сарф этишга бахиллик қиладиган, эҳсон қилган тақдирда ҳам одамлар кўрсин, мақтасин деб бажарадиган кишиларни Аллоҳ севмаслиги, балки улар кибрли ва мақтанчоқ экани баён қилинган. Риёкорлик билан қилинган эҳсон эвазига ҳеч қандай савобга эришиб бўлмайди, аксинча оғир гуноҳга ботиш мумкин.

Учинчи: Исрофга йўл қўймаслик. Исроф деганда фақат таомнинг ортиб қолиши ёки оёқ ости бўлишини тушунмаслик керак. Балки, ноўрин жойга қилинган эҳсон ҳам исрофдир.

Демак, исроф бўлмаслиги учун авваламбор, кимларга эҳсон қилиш лозимлигини билиш керак. Акс ҳолда, ўз эгаларига берилмаган эҳсон мақбул бўлмайди. Чунки, хайр-эҳсон ва зиёфат беришдан асосий мақсад муҳтож ва фақирларга ёрдам кўрсатишдир.

Минг афсуски, ҳозирги кунда баъзи кишилар томонидан эҳсон қилишда ушбу шартларга риоя қилмаслик ҳоллари учраб турибди. Бунинг сабаби ўша кишиларда манманлик, риёкорлик каби иллатларнинг мавжудлигидир.

Ўтказиладиган ифторликни оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда, ҳоли қудратдан келиб чиқиб, ниҳоят даражада тежамкорлик билан ўтказиш эса шариатимиз руҳига мос тушади. Албатта, бундай тадбирларни жойлардаги имом-хатиблар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ила бамаслаҳат қилингани маъқул.

Яратган Парвардигордан келаётган муборак ойда юртимизга тинчлик, осойишталик, халқимизга фаровонлик тилаб, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилсин, деб дуо қилиб қоламиз. Муборак Рамазон ойи қутлуғ бўлсин.

Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Бир хат изидан

АШЁВИЙ ДАЛИЛСИЗ АЙБЛОВ

Пахтачи туманидаги Зиёвуддин шаҳарчасидан таҳририятимизга мактуб келди.

«1980 йилдан тумандаги «Таъмирчи» ҳиссадорлик жамиятида муҳандис-технолог вазифасида ишлаб келаётган эдим, — деб ёзади Р.Норқулов. — **1996 йил ноябрь бошларида туман ИИБ ходими Маҳмуд Тошнаев уйимга келиб: «Сен Нарпай туманидаги «Иттифоқ» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси (ДФХУ) векселини ўғирлаб, талон-торож қилгансан», деб бўлимга олиб борди. Уч кун қамаб қўйишди. Шундан сўнг Нарпай туманлараро прокуратура терговчиси Мардон Худойқулов (ҳозир Каттақўрғон туман прокурори ўринбосари) айбланувчи сифатида прокуратурага боришимни буюрди. Мен Нарпай туман прокуратурасига бордим ва терговчига учрашдим. У менга нисбатан 1996 йил 28 декабрь куни ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «б» банди билан жиноий иш қўзғатилганлигини маълум қилди».**

Р.Норқуловга «жинояти» тушунтирилди: Нарпай туманидаги «Иттифоқ» ДФХУнинг ПС-001 серияли, 0003495 рақамли 50 (эллик) минг сўмлик векселини қасддан жиноий тил бириктириб, талон-торож қилиб ўзлаштирган... Норқулов ҳеч қачон бунақа векселни кўрмаганини айтади. Қизиғи шундаки, бу векселларни ҳеч ким кўрмаган, улар жиноий иш материалларида ҳам йўқ. Уюшма экспедитори М.Мусаев, бош ҳисобчи Т.Ражабов, раис С.Ҳақбердиевларнинг ПС-001 серияли 0003495 рақамли, қиймати 50 (эллик) минг сўмлик векселни ҳеч бир ҳужжатсиз 1996 йил январь ойида Р.Норқуловга берганлиги ҳақидаги оғзаки қайдлари жиноий ишга далил қилиб тиркалган эди.

Хуллас, Нарпай туманлараро прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноий иш вилоят судига ашёвий далилларсиз ўтказилди. Терговчи М.Худойқуловнинг айблов хулосасида судланувчилар 1997 йил 26 майдан 6 июнгача жиноий иш билан таништирилган дейилган. **...«Мен 1997 йил 26 майдан 1997 йил 3 июлгача, яъни судгача камерадан чиққан эмасман. Терговчи мени ўша кунлари жиноий иш билан таништирмаган. Бу ҳақда турма маъмурияти тасдиқлаган ҳужжат мавжуд»,** дейди Р.Норқулов.

Даставвал, 50 (эллик) минг сўмлик векселни ўзлаштирди деган айб билан жиноий иш қўзғатилган эди. Тергов ҳаракатларида айблов яна кўпайди. Р.Норқулов қиймати 100 (юз) минг сўмлик векселни ҳам ўзлаштирган, деб айб қўйилди.

«Самарқанд вилоят судининг судьяси Абулқосим Ҳалиловнинг иш олиб боришини кўриб мени қандай бўлмасин айбдор қилиш мақсад қилиб қўйилганлигини англадим. 8 йилу 6 ой озодликдан махрум этилиб, мол-мулким мусодара қилинган, мансаб ва моддий жавобгарлик ишларида 3 йилгача ишламаслик жазоси белгиланган 1997 йил 26 июлдаги суд ҳукмини 1997 йил 27 сентябрда олишга муваффақ бўлдим. 2 ой суд ҳукми қўлимга берилмаганлиги, шикоят қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигим менга нисбатан туҳмат кетаётганлигининг яққол белгиси эди».

ЖКнинг 23-моддасида айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас, дейилган. Шу нуқтаи назардан қарасак, Р.Норқулов тақдири билан боғлиқ жиноий ишга ушбу векселларни изланб топиб, қўшиш ҳуқуқ органларининг иши эмасмиди?

Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчидан, жиноий ишда Р.Норқулов ушбу векселларни олганлиги ҳақидаги ҳужжат, тилхат ёки юк хатлари мавжуд бўлмаса-да қамоққа олинган.

Учинчидан, Р.Норқуловнинг тергов ҳужжатларидан ўз вақтида хабардор этилмаганлиги иш фақат бир томонлама, яъни айблов томонидан кўрилганлигини англатмайдими?

Хўш, «вексел айбномаси» қаердан пайдо бўлиб қолди, унинг Р.Норқуловга қандай алоқаси бор?

— Мен Норқулов билан Зарафшон шаҳрига кўй олиш учун бирга бориш мақсадида бир донадан ишонч қоғози ва юк хатини қолдириб кетган эдим — дейди, «Мафтункор» хусусий фирмаси раҳбари Ойдин Ражабова тушунтириш хатида. — Ушбу ишонч қоғози ва юк хатини М.Мусаев ва ўзини ҳисобчи деб таништирган шахс Норқулов уйда йўқлигидан фойдаланиб унинг турмуш ўртоғи Каромат Раҳимовадан олишади ва векселларни «Мафтункор» фирмаси олган, деб расмийлаштиради. Натижада «Мафтункор» фирмаси билан Р.Норқулов айбсиз айбдор бўлиб қолаяпти.

— «Мафтункор» фирмасининг юк хати ва ишонч қоғозларига мен, М.Мусаев ва ўзини ҳисобчиман деб таништирган шахс имзо чекканмиз, — дейди Каромат Раҳимова. — Лекин менинг имзом учун турмуш ўртоғим Р.Норқулов айбдор бўлди. Ушбу кўрсатмани дастлаб тарговда ҳам, судда ҳам айтсам-да инобатга олмадилар. Имзолар кимники эканлиги билан ҳеч ким қизиқмади, уни экспертиза қилиш лозимлигига ҳам эътибор бермади.

Энг ажабланарлиси, вексел ўғирланмаган экан. Республика «Пахта-банк»нинг Банк жараёнлари бошқармаси бошлиғи С.Иноғомовнинг 23 июль 1997 йилги хатидан кўчирма: **«Ўзпахтасаноатсотиш» акциядорлик уюшмаси томонидан муомалага чиқарилган ПС-001 серияли, тартиб рақами 0003495, номинал қиймати 50 (эллик) минг сўмлик оддий вексел 1996 йил 3 февралида сўндириш учун ИАТ «Пахта-банк»нинг Булунғур бўлими томонидан тўловга тақдим этилганини маълум қилади».**

Шундан сўнг «Иттифоқ» хўжалиги бош ҳисобчиси Тожинор Ражабов билан учрашдик:

— Ушбу вексилдаги муҳр «Иттифоқ» ДФХУга тегишли, — дейди у. — Лекин хўжалик векселга нима олганлигини айта олмайман. Чунки 2000 йилгача бўлган барча ҳужжатлар архивга топширилган. Нима бўлганда ҳам, «Иттифоқ» маҳсулот олувчи, **«Оқ йўл»** МЧЖ эса маҳсулот берувчи бўлиб кўрсатилган...

Ҳақиқатан, жиноят ишида «Оқ йўл» МЧЖ ҳақида ломлим дейилмаган. Кўраяпсизки, вексел «Иттифоқ»дан «Оқ йўл»га ўтган. Хўш, «Оқ йўл» МЧЖ қаерда, муассиси ким? Қандай фаолият тури билан шуғулланади? Вексел қандай асосга кўра «Оқ йўл»га ўтган? Бу саволларга жавоб изланмаган.

Маълум бўлишича, ушбу МЧЖ 1993 йилнинг 10 августида Нарпай туман ҳокимининг 228-қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказилган. Таъсисчиси «Ўзавтосозлаш» концерни. Жамоани шу ерлик фуқаро Баҳодир Тўлаев бошқарган.

— Корхона ташкил этилганида, дастлаб ўзим бошқардим, — дейди Баҳодир Тўлаев. — Кейинчалик «Дўвоба» кичик корхонаси раҳбари Абдужаббор Хайитов ва Ҳамидулла Зоировларга (ҳозир Нарпай МТП раҳбари) муҳр ва штампларни топширдим. Шу-шу «Оқ йўл» МЧЖ фаолиятидан мутлақо хабарим бўлмаган.

— Сизни 1996-1997 йилларда тергов ва суд органлари чақиришмаганми?

— Йўқ. Фақат ўтган йили туман солиқ бўлимига чақиришганди. Сизга айтган гапимни айтдим, холос...

Беихтиёр ўйга толасан киши: тўғри, бу жиноий иш бундан олти йил илгари кўрилган. Бўлган иш бўлди, ўтган ишни қўзғашга не ҳожат деган фикрга бориш мумкин. Аммо, гап инсон шаъни, тақдири ҳақида кетаяпти. Бу инсоннинг умри армон, алам билан ўтаяпти. Эҳтимол ўйлаб кўриш керакдир. Хато қилинган бўлса тузатиш кеч эмасдир.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

?! ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛЛАРГА ҲУҚУҚШУНОС, 2-ДАРАЖАЛИ АДЛИЯ МАСЛАҲАТЧИСИ ЭРГАШ САЙИТОВ ЖАВОБ БЕРАДИ.

Савол: Ўн тўрт ёшга тўлмаган, вояга етмаган болаларнинг ҳақ-ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар қонун бўйича қандай ҳал қилинади?

Ш.Тўйчиев, Навоий вилояти

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 29-моддасига мувофиқ ўн тўрт ёшга тўлмаган, вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки воситалари тузиши мумкин.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

1) майда маиший битимлар;

2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;

3) Қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни ўзлаштириш борасидаги битимлар.

Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан, ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийси, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар мулкий жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

Савол: Фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун бўйича қандай амалга оширилади?

Т.Мирзаев, Тошкент вилояти

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 11-моддасига асосан, фуқаронинг фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

— ҳуқуқни тан олиш;

— ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳалокатларнинг олдини олиш;

— битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

— давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

— шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

— бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

— етказилган зарарни тўлаш;

— неустойка ундириш;

— маънавий зиённи қоплаш;

— ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

— давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суд қўлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

Амир Хусрав Деҳлавий таваллудининг 750 йиллигига

ШОИРНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ

Алишер Навоий «мўъжизбаёнлиқ соҳири Ҳинд» (ҳар бир сатри мўъжиза даражасида бўлган Ҳинд сеҳргари) деб таърифлаган Хусрав Деҳлавий ҳинд диёрида туғилган бўлса ҳам унинг ота-боболари Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри атрофида яшаган ўзбекнинг Лочин уруғидан эди.

1253 йилда Деҳли яқинидаги Патиёли мавзесида туғилган Яминуддин Абулҳасан Хусрав умри давомида 5 шеърий девон, 9 йирик достон, бир қатор насрий асарлар яратди. Унинг ижоди ўзи ҳаётлик чоғидаёқ замондошлари Зиёуддин Бараний ва Амир Хўрд асарларида таъриф-тавсиф этилди. Айниқса, XV аср Ҳирот адабий мактаби намояндаларига Амир Хусрав ижоди баракали таъсир ўтказди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий каби забардаст алломалар ўз асарларида форсийзабон шоирни қайта-қайта эҳтиром билан тилга олиб, унинг маҳорати ва бадиий қудратига тасаннолар айтдилар. Биргина Алишер Навоийнинг Амир Хусрав таърифида айтган шеърий мисраларини бир ерга жамласа каттагина рисола бўлади.

1965 йилда таниқли шарқшунос олим, профессор Шоислом Шомуҳамедов ташаббуси билан ўша даврда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети таркибида бўлган шарқ факультетида (бугунги кунда Тошкент давлат шарқшунослик институти) хорижий шарқ халқлари адабиёти кафедраси ташкил қилинди ва ушбу кафедра қошида Амир Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижодини махсус ўрганиш йўлга қўйилди. Бу масалада кўплаб хориждлик таниқли олимлар билан илмий-ижодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Амир Хусрав ижодининг турли муаммолари устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. 1968 йилда Жаъфар Эфтихор шоирнинг «Ҳашт беҳишт» достони илмий-танқидий матни таҳлили бўйича филология фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди. 1969 йили Босит Мусаев Деҳлавийнинг илк девони «Туҳфат ус-сиғар»даги ғазалларнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, номзодлик ишини ҳимоя қилди. 1971 йили Ш.Шомуҳамедов ва Б.Мусаевлар илк бор ўзбек тилида «Амир Хусрав Деҳлавий» илмий-оммабоп рисоласини нашр эттирди. Орадан бир йил ўтиб, Ш.Шомуҳамедовнинг саъй-ҳаракатлари билан илк бор ўзбек тилида Амир Хусрав Деҳлавий асарларидан мўъжаз бир сайланма босмадан чиқди. Унда 30 дан ортиқ ғазал таниқли шоирлар, мумтоз адабиёт билимдонлари Чустий ва Васфийлар таржимасида, шунингдек 50 га яқин рубоий, қитъа, ҳикматли байтлар, достонлардан намуналар Ш.Шомуҳамедов таржимасида эълон қилинди.

1975 ҳамда 1978 йилларда Тошкентда Хусрав Деҳлавий ижодига бағишланган биринчи, иккинчи илмий тўпламлар нашр этилди. Унда шоир ижоди турли йўналишлар бўйича ўрганилди.

Шу йили таниқли олим Н.Османов раҳбарлигида тадқиқотчи М.Имомназаров «Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав» достони тил хусусиятлари» мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди.

Шунингдек, ўша йилларда Ўзбекистонда Амир Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказилди. Шоир боболарининг юрти Шаҳрисабзда катта юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

1979 йилда «Шарқ классиклари меросидан» туркумида Хусрав Деҳлавий шеъриятидан яна бир сайланма нашр этилди. Унинг ҳам тузувчиси Ш.Шомуҳамедов бўлиб, олдинги тўпламга қўшимча шоирнинг «Искандар ойнаси» достони бироз қисқартирилган ҳолда эълон қилинди. Кейинги йили шоир асарларининг рус тилидаги сайланмаси босилиб чиқди. 1973 йили Ш.Шомуҳамедов шоир «Ҳикматлар»ини ўзбек тилида нашр эттирди.

1989 йили М.Имомназаровнинг Амир Хусрав достонлари таҳлилига бағишланган йирик монографияси Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. «Тўққиз осмон юлдузлари» деб номланган бу рисолада шоир қаламига мансуб 9 йирик достон сюжет ва композицияси, ғоялар ва тимсоллар дунёси илмий изчиллик билан, аммо ўқишли ва равон тилда баён қилиб берилган. Бу достонларнинг бештаси шоир «Хамса»сига мансуб бўлса, қолган тўрттаси — «Қирон ус-саъдайн», «Дўвалрони ва Хизрхон», «Нуҳ сипеҳр», «Туғлуқнома» — тарихий-адабий асарлардир. Шу йил охирида М.Имомназаров Душанбе шаҳрида Тожикистон ФА Рудакий номидаги тил ва адабиёт институти қошидаги махсус кенгашда «Хусрав Деҳлавий эпик ижодиётида метод ва поэтика масалалари» мавзуида докторлик тадқиқотини муваффақият билан ҳимоя қилди. Бу ишда нафақат Деҳлавий ижоди, балки Шарқ мумтоз адабиёти учун услуб масаласи бутунлай янгича назарий асосда, яъни илгари қабул қилинган Европа адабиётшунослиги анъаналари қолипида эмас, Шарқ мумтоз адабиётшунослиги анъаналарига мувофиқ равишда ҳал қилинган.

1987 йилда «Амир Хусрав Деҳлавий» номли 3-илмий мақолалар тўплами босилиб чиқди. Ундаги бир қатор ишлар ушбу соҳада эришилган ютуқларни сарҳисоб қилишга бағишланган, жумладан, ўтган давр ичида эълон қилинган китоб ва мақолалар рўйхати ҳам келтирилган.

Амир Хусрав ижодини ўрганиш Ўзбекистон мустақиллиги даврида ҳам давом этмоқда. 1993 йилда хорижий шарқ адабиёти кафедраси ўқитувчиси Гулхумор Тўйчиева «Туҳфат ус-сиғар» девони ғазалларининг вазни» мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди. 1995 йилга келиб Самарқанд давлат университетининг доценти Муслиҳиддин Муҳиддинов «Алишер Навоий ва салафлари ижодида инсон концепцияси» мавзуида докторлик ишини ҳимоя қилди. Ушбу тадқиқот Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор» ва Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонлари қиёсий таҳлили асосига қурилган бўлиб, бу мавзуда тадқиқотчи 1991 йили Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида «Икки олам ёғдуси» рисоласини эълон қилган эди.

Шундай қилиб, Амир Хусрав ижодини ўрганиш бўйича шаклланган Тошкент илмий мактаби ўтган 38 йил мобайнида талай ютуқларни қўлга киритди.

Албатта, ютуқлар мақтанса арзигулик. Аммо ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар ҳам кам эмаслигини қайд этиб ўтиш керак. Биринчидан, истеъдодли матншунос Б.Мусаевнинг бевақт вафоти билан шоирнинг лирик мероси илмий-танқидий матнини яратиш масалалари якунига етмай тўхтаб қолганлигини айтиб ўтиш зарур. Бундай тадқиқот жаҳон миқёсида ҳам ҳануз амалга оширилмаганини ҳисобга олганда масаланинг нақадар муҳимлиги ойдинлашади. Иккинчидан, кейинги даврда тадқиқотчилар бошқа йўналишларга ўтиб кетганлиги туфайли Амир Хусрав асарлари луғатини тузиш ишлари ҳам поёнига етказилгани йўқ.

Шунингдек, назаримизда бу соҳада қилинадиган энг долзарб юмуш. Амир Хусрав ҳаёти ва ижодига оид қисқача қомус (энциклопедия) тузишдир. Унда шоир ҳаёти ва ижодининг турли жиҳатлари, ушбу мавзунинг Европа ва Шарқда ўрганилиши ҳар томонлама ўз аксини топиши мумкин. Бунинг учун ҳозир мутахассислар қўлида барча имкониятлар муҳайё. Бу борада Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, Тожикистон, россиялик мутахассисларни ҳам ҳамкорликка жалб этиш мумкин. Шу аснода халқаро бир илмий марказ ташкил топса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Аҳмаджон ҚУРОНБЕКОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ

Амир Хусрав Деҳлавий ижодидан намуналар

СУЛАЙМОН ТУФАЙЛИ БУЮКЛИККА ЭРИШГАН ЧУМОЛИ ҲИКОЯСИ

(«Ойинаи Искандарий» достонидан)

Ривоят қиладиларки, бир куни Сулаймон пайғамбар отда кезиб юриб, бир чумоли уясига дуч келибди. От индаги чумолилардан бирининг устига энди оёқ қўяётган экан, Сулаймон дарҳол отдан тушиб, уни ердан кўтарибди. Бироздан кейин қўлидаги чумоли билан тахтига чиқиб, бу ожиз жонзотни саволга тутибди:

— Бу юксак тахтни қандай баҳолайсан?

Чумоли донолик билан шундай дебди:

— Эй, заррани офтобга элтган кимса, агар юксак тахт сенинг қадамларинг тагида бўлса, менинг жойим кўлинг устидадир. Энди ўзинг доно нигоҳ билан баҳола: буюкликда сен юксакроқмисан ёки мен? Агар қўл остидагилар ҳукмдорга ёр бўлса, унинг ҳаёти қанчалик осудалик билан кечган бўларди! Сенга қилган бир қанча насиҳатимнинг хулосаси икки оғиз сўздир: Ҳақ таоло жаҳонни сенинг ихтиёрингга топширибдими, барчага маълумки, бу чакана иш эмас! Ҳар бир ишни шундай адо этгинки, Яратган ишингдан хушнуд бўлсин. Бу дунёда Худодан шундай шарм қилгинки, эртанги кун шарманда бўлмагин!

Ҳикматлар

Элга фириб айлабон урма қалам,
Этма қаламни фриб асбоби ҳам.

✧✧✧

Киши дардига ким ҳамдард эмасдир,
Кишилар наздида у мард эмасдир.

✧✧✧

Агар илмдан кийган эрса тож,
Ул бош осмондан ундиради тож.

✧✧✧

Ким меҳнат-ла қадам қўйди тоғ-чўлга,
Хазина калитин киритар қўлга.

✧✧✧

Дўстликнинг асоси бўларкан маҳкам,
Замон балосидан халал етар кам.

✧✧✧

Дўстларинг кўпаяр фаровонликда,
Уларни синаб кўр нотавонликда.

ЎЗ ҚЎШИНИНИ ЖЎНАТМАЙДИ

Бельгия мудофаа вазири Андре Флахаут Ироққа ўз қўшинини жўнатмаслиги ҳақида баёнот берди. Флахаутнинг айтишича, гарчи Ироқ масаласи бўйича резолюция қабул қилинган бўлса-да, бельгияликлар Ироқдаги фақат инсонпарварлик миссияларида иштирок этади, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.



НОМЗОДЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

БМТ Бош Ассамблеяси яқинда БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолигига сайланажак 5 та давлат номзодлигини қўллаб-қувватлади. Шу йил 31 декабрда аъзолик муддати тугаётган Камерун, Гвинея, Сурия, Мексика ва Болгария давлатлари ўрнини келгуси йил январдан Жазоир, Бенин, Бразилия, Филиппин ва Руминия эгаллайди. Улар 2 йил муддатга сайланадилар.

ҚУРИЛИШ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИЛДИ

Маълумки, Россия ва Украина чегарасида жойлашган Азов денгизидаги Керчен бўғозида Россия қурувчи-муҳандислари бир неча кун аввал кўтарма (дамба) қуришни бошлаган эдилар. Украина маъмурияти эса бу жараён тезда тўхтатилишини талаб қилмоқда. Негаки, шу йил 28 январда Россия Президенти Владимир Путиннинг Киевга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасидаги чегара белгиланиб, ўзаро шартнома имзоланган эди. Эндиликда иккала давлат парламентлари мазкур шартномани ратификация қилишлари лозим.

Унга кўра, Азов денгизи ва Керчен бўғози иккала давлатнинг ички сув кенгликлари қилиб белгиланган.

Украина Президенти Леонид Кучма 21 октябрь куни ўтказган Украина миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши йиғилишидан сўнг юқоридаги масалага боғлиқ фармонга имзо чекди. Унда ёзилишича, агар Россия кўтарма қурилишини тўхтатмай давом эттираверса, Украина Ягона Иқтисодий Кенглик таркибидан чиқиши ҳақида Россияни хабардор қилишга мажбур бўлади. Бу тўғрида Украина депутатлари «Новости» ва «Интерфакс» журналистларига маълум қилдилар. Бундан ташқари Украина БМТ халқаро суди ва НАТО сингари халқаро ташкилотларга ҳам мурожаат этишни мўлжаллаб турганди. Шукрки, вазият бу даражага етиб бормади.

Краснодар ўлка маъмурияти Керчен бўғозидаги кўтарма қурилишини тўхтатишга қарор қилди. Губернатор Алексей Ткачевнинг ИТАР-ТАСС ахборот агентлигига маълум қилишича, қурилиш вақтинчалик, яъни юзага келган вазият бўйича Россия ва Украина ўртасида ўтказиладиган музокаларда бир тўхтамга келингунча тўхтатиб турилади. Аввалроқ, Украина маъмурияти Азов-Керчен акваторияси билан боғлиқ муаммолар юзасидан кенг миқёсли музокаралар бошлашга тайёр эканлигини билдирган эди.

Ахборот агентлигининг таъкидлашича, Россия ҳукумати раҳбари Михаил Касьянов қурилишни тўхтатиш ҳақида Краснодар ўлкаси ва Темрюк тумани раҳбариятига буйруқ берган.



Россия Президентининг матбуот котиби Алексей Громовнинг маълум қилишича, икки давлат президентлари телефон орқали суҳбатда ўзаро келишиб олдилар. Азов денгизи ва Керчен бўғозига тааллуқли масалалар юзасидан бу икки қўшни давлат бош вазирлари кеча учрашиб, масалани муҳокама этдилар. Айнан шу муҳокаманинг давоми 30 октябрь куни Киевда бўлиб ўтади. Бунда икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари учрашадилар.

Чикаго фавворалари

ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Эрон ядро энергетикаси соҳасида олиб борилган сўнгги ишлари тўғрисидаги барча маълумотларни БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ)га тақдим этди. Бу ҳақда Эроннинг МАГАТЭдаги вакили Али Акбар Солих Associated Press агентлигига маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз: сентябрь ўрталарида Вена шаҳрида ёпиқ эшиклар ортида Эроннинг ядро дастури муҳокамасига бағишланган МАГАТЭ йиғилиши бўлиб ўтган эди. Ушанда Эрон ядро қуроли яратиш дастури юзасидан иш олиб бормаётганини аниқ мисоллар асосида исботлаши учун муддат берилганди, яъни бу муддат 31 октябрга белгиланганди ва бу борада махсус қарор ҳам қабул қилинганди. Агар расмий Теҳрон буни исботлаб беролмаса БМТ бу мамлакатга қарши санкция жорий этиши тўғрисида алоҳида уқтирилганди.

Ахборот агентлигининг хабар беришича, МАГАТЭ инспекторлари томонидан топилган мамлакатдаги бойитилган уран излари ҳақида тақдим этилган ҳужжатда ҳеч нарса дейилмаган. Бу борада аввалроқ Эрон бир неча марта баёнот берган, бойитилган уран излари Эронга тааллуқли эмаслиги, атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланилаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, МАГАТЭга ҳужжатлар тақдим этилишидан 2 кун олдин Эрон МАГАТЭнинг ядро қуролини тарқатмаслик ва ишлаб чиқармаслик тўғрисидаги қўшимча протоколини имзолашга ҳамда ядро объектларида текширув ўтказишга рухсат беришга қарор қилганлиги маълум бўлди.

НЕПАЛГА БОРМАСЛИК УҚТИРИЛДИ

АҚШ ўз фуқароларини Непалга бормай туришга чақирди. Давлат департаменти баёнотида айтилишича, Непалда антиамерика кайфияти ҳукмрон бўлиб, қўзғолончилар давлат бошқарувини эгаллашга ва мамлакатда коммунистик тузум ўрнатишга уринмоқдалар.

Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди.

ХАЛҚАРО ПОЙГА ҒОЛИБЛАРИ

Тошкентдаги Амир Темур хиёбонидан старт олган «Сўғдиёна» — Ҳамдўстлик Давлатлари — 2003» Халқаро автомобиль пойгаси якунланди. 16-марта уюштирилган мусобақага «Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциацияси, республика спорт қўмитаси ҳамда «Ралли-спорт» клуби ташкилотчилик қилди.

Чимён тоғ йўллари ва Чорвоқ денгизи атрофида давом этган қизғин баҳсларда 26 автомобилдан бор-йўғи 15 таси маррагача етиб келди. Пойтахтлик пойгачилар Сергей Горбунов билан Николай Антоненко мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлишди. Тошкентликлардан Мурод Қаюмов билан Владимир Плесневич ҳамда Илҳом Обиджонов билан Осмон Сейтосмоновлар 2 ва 3 ўринларни эгаллашди. Бугун «Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциацияси биносида ғолибларни шарафлаш маросими ўтказилади.

Шаҳобутдин ЗАЙНУТДИНОВ

Янги китоб

«ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР»

Донишмандлар ўгити, улар айтиб қолдирган сўз дурдоналари шундай бебаҳоки, йиллар, асрлар ўтса-да ўз қадр-қимматини йўқотмайди. Аксинча янада теранлашиб, маънавий қудрати юксалиб бораверади. Ҳар бир авлод унга озми-кўпми ҳиссасини қўшади, ўша замоннинг тафаккур тарзидан келиб чиқиб сайқал беради.

Бу ўлмас қадрият бугун ҳам сўнгани йўқ. Яқинда «Тошкент оқшоми» кутубхонаси» сериясида чоп этилган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» номли бежирим рисола халқимизнинг сўз ганжиналарига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлидаги изланиш бўлди.

Шарқшунос олимлар Шорасул Зуннун (марҳум) ва Маҳмуд Ҳасановларнинг таржималари асосида тайёрланган мазкур китобда қадим донишларнинг ватанпарварлик, ростгўйлигу тўғрисўзлик, поклик ва инсоф-диёнат тўғрисидаги ихчам ривоятлар, шингил ҳикматлари жамланган. Маҳмуд Комилжонов ҳамда Абдулла Сулаймонхўжаев томонидан тўплаб нашрга тайёрланган ушбу ҳикматлар хазинаси ҳар бир китобхоннинг кўнгил мулкига айланса ажабмас.

(Ўз мухбиримиз)

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

2003 йил 31 октябрь, 7, 14, 21, 28 ноябрь ва 5, 12, 19, 26 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Аукцион савдоларига қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 32 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 12 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 648 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган 13-сон ер майдони.

Бошланғич нархи — 824 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган 332-сон ер майдони.

Бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасида бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги ер майдонлари:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 714 000 сўм.

31 ОКТЯБРЬ ВА 7, 14, 21, 28 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Танлов савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.

Танлов шартлари:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов ва аукцион савдоларига қўйилган мазкур объектлар учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Аукцион савдолари соат 11.00 да, танлов савдолари соат 12.00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароунноҳр, 16а.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида закалад пули тўланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Кўргазма

РАНГЛАР ОҒУШИДА

Ўзбекистон Бадиий академияси замонавий санъат марказида рассом Лана Лимнинг шахсий кўргазмаси давом этмоқда.

Ижодкорнинг кўпчилик асарларида инсон ва табиат мавзуси бош ғоя қилиб олинган. Унинг ички туйғулари шоирона, романтик тасвирларда акс этган. «Шаршара олдида», «Ибодатхонага олиб борувчи йўл», «Бамбук» каби асарларида кайфият, услуб ва ранглар уйғунлигининг ритмик оҳанги ила асар колорити монахром ечимда, нозик ва шаффоф валёрлари эса перспектив қурилишдаги корейс миллий мактаби воситалари ва хаёлоти билан уйғунлашиб кетган. Лана «Хаёл оғушида» «Куй» каби асарларида кундалик турмушимизнинг хотиржам ва шовқинли кўринишларини Шарқ фалсафий қарашлари билан тасвирлаган.

Гоҳида мусаввирнинг бир-бирига қовушмай қолган асарларига назар ташлайсиз, улар эса сизни сирли оламга тортқилаб кетади. Бошқа асарларида эса халқ усталарининг қуроқ техникасига хос ритмик тасвирдаги мажор кайфиятлар ҳам сезилиб туради.

Лана Лим асли Нукус шаҳрида туғилган бўлиб, бугунги кунда Тошкентда яшаб, ижод қилмоқда. Унинг бадиий тафаккури корейс миллий мактабида шаклланди. Лана Лим ўз асарлари билан юртимиз ва хориждаги халқаро кўргазмаларда қатнашиб келмоқда. Эътиборга молик томони шундаки, мусаввир асарлари бугунги кунда нафақат Ўрта Осиё давлатларида, балки Англия, Америка, Жанубий Корея, Германия ва Россия шахсий тўпламларидан муносиб ўрин олган.

Ноёб истеъдод соҳибига хос бўлган хаёлий тасаввурларга бой, нозик ва инсон қалбига яқинлик унинг муҳлислари қалбида муносиб ўрин эгаллайди.

Нигора ЎРОЛОВА

Табиат ва биз

БУЛБУЛ КУШАНДАЛАРИ КАМАЙМОҚДА

Шинавандалар яхши эслашади: Машҳур қизиқчи Муҳиддин Дарвешов умрининг охирги йилларида одамлар кўнглини чоғ этиш билан бирга, уларга сариқ касалининг давоси ҳақида ҳам кўп гапирарди. Унинг айтишича, агар майнадан ўнўн беш кун муттасил шўрва қилиб ичилса, бемор шифо топиб кетармиш. Бу гапга биров ишонди, биров ишонмади. Ҳар ҳолда одамлар сариққа чалинган яқинларига майна шўрва тайёрлаб бера бошладилар.

Яқин улфатларидан бири:

— Муҳиддин, шу гап ростми ё ҳазилми? — деб сўраса, у қувлик билан жилмайиб:

— Мени биласан, ҳеч одамларни алдаганманми? — дея жавоб қайтарибди. Улфат ҳадеб ҳол-жонига қўявермагач:

— Кейинги йилларда булбул йўқолиб кетди. Сабабини биласанми? — дея унинг ўзидан сўрабди.

— Йўқ, лекин булбул йўқолиб кетгани рост.

— Мен ўзи асли табиатшуносман. Булбулларнинг нега камайиб кетаётгани, уларнинг кушандалари нима эканлиги билан қизиқдим. Кузатишларимдан шундай хулосага келдимки, юртимизга жануб томонлардан келиб қолган майна булбулнинг бош кушандаси экан. Очофат майна булбул уясини излаб топиб, қўйган тухумларини еб қўяр экан, бу ҳақда мутасаддиларга айтдим. Майналар сонини камайтириш ҳақида таклиф киритдим. Сўнг шу «Ҳийлаи шаръий»ни ишлата бошладим. Одамлар ҳар ҳолда гапимга ишониб, майна шўрвани дори сифатида ичишга киришдилар. Ахир, ўнта майнани йўқотишса, битта булбул омон қолади-ку... — деган эди шунда қизиқчи.

Майналар 50-йиллар бошларида бизга Ҳиндистондан келтирилган. Бу қуш қорамоллар канаси, бошқа ҳашаротларга қарши курашда қўл келади, дея мўлжалланганди. Дарҳақиқат, дастлабки йиллари бу тажриба яхши натижа берди. Бироқ, кейинчалик улар кўпайиб боғ, узумзорларга катта талафот келтира бошлади.

— Майна бир йилда уч мартагача тухум қўяди, — дейди вилоят «Овчилар ва балиқчилар» жамияти раиси Жаҳонгир Мўминов. — Уларнинг қанчалик тез кўпайишини энди тасаввур этаверинг... Бунинг устига Ҳиндистон майнаси йиртқич қуш ҳисобланади. У булбул, чумчуқ, мусича ва бошқа қушлар тухумини еб, уларга қирон келтиради. Қишлоқ хўжалиги, боғлар ва узумзорларга келтираётган зарари ҳам катта. Ҳисоб-китобларга қараганда, битта майна бир кунда 150-170 сўмлик боғ-узумзор меваларини йўқ қилади!

Ҳозирги пайтда Фарғона вилоятида майналар сони 125 минг тадан ошган. Уларнинг 87,5 минг донасини табиатдан сиқиб чиқариш режалаштирилган. Шу мақсадда Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномасида белгиланган миқдорда майналарни силлиқ стволли ов қуролларидан отиш, тўр билан тутиш ҳамда инларини йўқ қилиш учун тузилган махсус бригадалар ишлаб турибди. Майна қушининг жуфт оёғини белгиланган миқдорда топширган овчилар имтиёзли ва бепул ов йўлланмаси билан тақдирланадилар.

— Овчилар тутилган ёки отилган майналарни топширяптими?

— Ҳа, махсус бригадалар овчилари бу масъулиятли вазифага виждонан ёндашмоқдалар, — дейди Ж.Мўминов.

— Ҳозиргача 3,5 минг жуфтдан ортиқ майна оёқларини қабул қилдик.

Шуни унутмаслик лозимки, табиатнинг ўз қонун-қоидалари, мутаносиблиги бор. Агар бу мутаносибликка дарз кетса, инсон боласи ҳам жабр кўради. Ҳиндистон майнаси билан юз берган ҳолатда шу мутаносиблик бузилган ва биз уни тиклашимиз шарт энди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КАМБАҒАЛНИ ТУЯНИНГ УСТИДА ИТ ҚОПАДИ

Камбағаллик — илгари яшаган аждодларимиз асосий кўпчилигининг бошига тушган балойи азим эди. Халқ ўзининг бир қанча мақолларида камбағаллик, фақирлик, қашшоқлик, йўқсилликнинг бутун мусибатларини турли хил мисолларда очиқ-ойдин ифода этган: «Толиҳсизни туянинг устида ит қопар» (Одатда ит пиёда, отда, эшакда кетаётган одамни қопа олади-ю, туянинг устида кетаётган одамни қопа олмайди, чунки ҳар қанча сакрагани билан ета олмайди. Мазкур мақоллар билан муболаға тарзида: «Камбағалнинг пешонаси шу қадар шўр, толеи шу қадар пастки, унга яқиндаги фалокат у ёқда турсин, йирақдаги фалокат ҳам келиб ёпиша қолади» демоқчи бўладилар); «Камбағалнинг оғзи ошга етганда бурни қонайди»; «Етим етдим деганда бурни қонайди»; «Етимнинг оғзи ошга етганда боши тошга етади»; «Қўлим ошга етганда бошим тошга етди»; «Камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юрмас».

КАРВОН ЎТАР, ИЗИ ҚОЛАР

Бу билан: «Дунёдан қанчадан-қанча одам ўтган, ўтяпти ва бундан кейин ҳам ўтаверади. Улар тарихда ё яхшилик билан, ё ёмонлик билан бир из қолдирадилар. Сен ўзингдан яхши из, яхши ном қолдиришга ҳаракат қил», дейилмоқчи.

КАРНАЙЧИДАН — БИР «ПУФ»

Бир одамдан бир нимани (масалан: икки ўртада воситачи бўлиб, бировдан бир нарсани ундириб беришни, бировни бир нарсага кўндиришни) илтимос қилганда: «Бу иш сиз учун ҳеч гап эмас», «Бу ишни сиз осонгина уддалай оласиз», «Бу ишга сизнинг бир оғиз сўзингизгина кифоя қилади», деган маънода мазкур мақолни қўллайдилар.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Navbatchi Sohibjon SALIMOV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 961
7662 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Кино ва замон

ОЗОДЛИКНИНГ ОЛТИН ЛАВҲАЛАРИ

Ўтаётган ҳар бир кунимиз тарих. Истиқлолнинг асрларга тенг дақиқалари эртага авлодлар учун муҳим манба, мозийнинг нурли саҳифаларига айланади. Ана шу тарих муҳрини авлодларга мерос қолдириш кино ижодкорлари зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир. «Ўзбектелефильм» студиясининг бош директори Мирзоаҳмад ОЛИМОВ билан бўлган суҳбатимиз кино санъатининг ҳаётимиздаги ўрни, истиқлол тарихини яратишда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида бўлди.

— Бугун ўзбек киноси янги даврни бошидан кечирмоқда. Бугунги «Ўзбектелефильм» студиясининг бош вазифаси нимадан иборат деб биласиз?

—Ватанимиз довруғини дунёга ёйиш, одамларимиз ҳаётини, фикр-ўйларини, ютуқларини кўрсатиш бугунги бош вазифамиз ҳисобланади. «Ўзбектелефильм» ижодкорлари яратган ҳужжатли, бадиий фильмлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб ўтаётган кинофестивалларда муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўтган йили Польша, Япония, Канада, Россия, Голландия ва Украинада ўтказилган фестивалларда студиямиз томонидан суратга олинган бир қатор фильмлар кино оламидаги муҳим ютуқ сифатида эътироф этилди. Ана шундай ишларимиздан бири «Дунёни сергаклантирган башорат» фильми бўлиб, ушбу асарда Юртбошимизнинг халқаро терроризмга муносабати, уни бартараф этишда бутун дунё ҳамжамияти биргаликда курашиши лозимлиги борасидаги фикр ва қарашлар ўрин олган.



Дунёнинг кўпчилик кино ижодкорлари томонидан юқори баҳоланган ижодий ишларимиз орасида «Бойсун» фильми ҳам бўлиб, унда халқ оғзаки ижоди намуналари маҳорат билан ижро этилганлиги боис барча миллат вакилларида яхши таассурот қолдирди. Шунингдек, «Вақт синовларида тобланган дўстлик» фильми Одесса шаҳрида бўлиб ўтган «Единая Украина» IV очиқ танловида «Дўстлик чегара билмайди» номинацияси бўйича Гран-Прига сазовор бўлди. Буларнинг барчаси юртимизда кино санъати ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Фильмларимизнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли чиққан деб бўлмайди, албатта. Бадиий савияси бўш фильмларимиз, афсуски, бор.

— Яқинда эфирга узатилган «Тақдир йўллари» фильми томошабинлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди...

— «Тақдир йўллари» фильми «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳомийлигида суратга олинди. Фильм қаҳрамонлари — бугунги кун одамлари. Улар сизу биз билан ёнма-ён, ҳамнафас яшаётган замондошларимиз. Оддий қишлоқдан ўқишга келган ўспирин ҳаёт синовларидан адашмай ўтиб, тажрибали темирйўлчига айланади. Фильмни кўриш жараёнида воқеалар ўз-ўзидан очилиб боради. Қаҳрамоннинг одамларга ишончи, ғурури, меҳрибонлиги, ёмонликдан кўз юммаслиги асар сюжетига сингдириб юборилган. Бу эса томошабинни бафарқ қолдирмайди.

— Яқинда тақдимоти бўлиб ўтган «Солиқчи» фильмининг ғоявий-бадиий жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Айни бугунги давр кишисининг қалбида Ватанга муҳаббат, элга садоқат туйғуларини тарбиялаш учун албатта янги-янги фильмлар яратмоқ керак. Буни амалга ошириш учун одамлар ичидан замонамиз қаҳрамонларини излаб топиш ва уларнинг бадиий образларини яратиб, эл ҳукмига ҳавола этмоқ лозим. Ҳеч замонда янгилик, эзгу иш осонлик билан қўлга киритилмаган.

«Солиқчи» фильмида қаҳрамон халқининг корига яраш учун қўмитага ишга келиб, турли тўсиқларга учраса-да, ёлғон ваъдаларга берилмай, ўз мақсадига собит қолиб, охирида нурли манзилга чиқади. Асли бадиий асар одамларни ортидан эргаштирмоғи керак. Томошабин бу каби фильмни бефарқ кўролмайди, ундан таъсирланади, маълум маънода ўзини ўйлантираётган саволларга жавоб топади.

Шу вақтгача ушбу йўналишда бир қатор фильмлар ишланди. Мисол учун «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари», «Бойчечак», «Очиқ дарс», «Менинг шотландиялик дўстим», «Эркатой», «Баланд тоғлар остида», «Бахт гуллари» каби фильмлар шулар жумласидандир. «Шум бола» киножурнали эса аллақачон ёшларимизнинг севимли томошасига айланиб улгурган.

— «Ўзбектелефильм» студиясида «Буюк аждодларимиз» рукнида яратилаётган бадиий-публицистик фильмлар халқимиз томонидан чанқоқлик билан қарши олинаётгани сир эмас. Айтингчи, ҳозир ушбу йўналишда қандай изланишлар олиб борилмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам бу жанрдаги фильмларимиз анчагина. Улар турли кинофестивалларда совринлар билан тақдирланган. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳам бу рукндаги фильмларимизга қизиқиш билан қарамоқда. Келгусида ушбу нуфузли ташкилот таклифи бўйича фильмлар яратишни режалаштирганмиз. Ҳозирда студиямиз ижодкорлари «Буюк аждодларимиз» туркумида яратилаётган навбатдаги фильмлар устида ишлашмоқда. Жумладан, таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонлаётган Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга бағишлаб фильм яратилиб, яқинда телетомошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди. Бухорода ўтказак танаталар муносабати билан «Хожаи жаҳон» номли яна бир фильм яратиш ниятидамиз.

Бу йил Тошкентда яшаб ўтган улуғ сиймолардан бири, халқ орасида «Ҳазрати Имом» номи билан машҳур Қаффоли Шоший таваллудига 1100 йил тўлди. Ана шу сана муносабати билан ул зот ҳақларида ҳам икки қисмдан иборат фильм яратяпмиз. Шунингдек, Имом ал-Бухорий ва бошқа буюк сиймолар ҳақидаги фильмларни ҳам томошабинлар эътиборига тезроқ ҳавола этиш ниятидамиз.

Абдурашид НУРМУРОДОВ
суҳбатлашди

✧✧✧

Суратда: фильм суратга олиш жараёнидан лавҳа.

«ФИЛЬМ БОЗОРИ»ДА ЎЗБЕК КИНОСИ

Деҳли шаҳрида 34-Ҳиндистон халқаро фильм фестивали бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттиришлар вазирлиги ҳамда Фильм саноати уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

1952 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиладиган халқаро кино анжуманида дунёнинг кўплаб мамлакатлари продюссерлари ва актёрлари, соҳа мутасаддилари ҳамда кино танқидчилари иштирок этишди. Улар қаторида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва Тошкентда фаолият кўрсатаётган Cinema Market жамияти ижодкорларидан иборат мамлакатимиз вакиллари ҳам бор эди.

«Фильм бозори» растасининг Ўзбекистонга ажратилган бўлими кино мутахассислари ва мухлислари билан айниқса гавжум бўлди. Хусусан, Халқаро анжуманнинг тантанали очилиш маросимига ташриф буюрган Ҳиндистон Ахборот ва радиоэшиттириш вазири Равишанкар Прасад мамлакатимиз вакиллари билан қизғин мулоқот ўтказди. Прасад жаноблари ҳинд ва ўзбек халқлари маданияти ва санъатининг муштарак жиҳатларига тўхталиб, икки мамлакат ўртасида кино соҳасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам самарали ривожланишига умид билдирди.

Кино анжумани доирасидаги мулоқотлар Ҳиндистон телевидениесининг Star, Zee TV, Metro каналлари орқали намойиш этилди, The Tribune, The Sunday Express сингари нуфузли газеталари саҳифаларида кенг ёритилди.

Фестиваль давомида Ўзбекистон вакилларининг Fros International, Madho Entertainment ва Narendra Hirawat компаниялар билан бўлиб ўтган музокаралари натижасида фильмлар ҳарид қилиш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Шуҳрат УМИРОВ
"Жаҳон" АА мухбири
Деҳли

Спорт

ТОШКЕНТ — НАВБАТДАГИ МУСОБАҚА МЕЗБОНИ

VI МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ИККИ ЙИЛДАН СЎНГ МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Шу йилнинг 14-20 октябрь кунлари Душанбе (Тожикистон) шаҳрида бўлиб ўтган V Марказий Осиё ўйинларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Мухбиримиз Республика спорт делегацияси вакили, Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Олий спорт ютуқлари бошқармаси бошлиғи Рашид МАТКАРИМОВ билан мусобақа таассуротлари тўғрисида суҳбатлашди.

— Марказий Осиё ўйинларига 1995 йили Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан асос солинганди, — дейди Рашид Маткаримов. — Минтақамиз давлатлари спортчилари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшничилик анъаналарини спорт соҳасида ҳам намойиш қилиш, ўзаро дўстлик, биродарлик ва бағрикенглик мақсадларига хизмат қилиб келаётган бу мусобақа Душанбеда ҳам юқори даражада уюштирилди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатларининг олти юз нафарга яқин спортчиси бир ҳафта мобайнида катта спорт байрамида қатнашишди.



— Мамлакатимиз спорт делегацияси таркиби неча кишидан иборат эди? Марказий Осиё ўйинлари қатнашчиларини мезбонлар қандай кутиб олишди?

— 126 нафар спортчи ва мутахассисдан иборат Ўзбекистон спорт делегациясини Душанбе аэропортида шу мамлакат спорти раҳбарлари, карнай-сурнай садолари остида миллий либосдаги қизлар нон-туз ва гулдасталар билан кутиб олишди. Спортчиларимиз «Душанбе» меҳмонхонасига жойлашдилар. Уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

— Спортчиларимиз ўз олдиларига қўйган мақсадга эришдиларми?

— Мусобақа дастуридан жой олган ўнта спорт турининг саккизтаси бўйича бахсларда иштирок этдик. Бишкекда ўтказилган сўнгги Марказий Осиё ўйинларида вакилларимиз 17 олтин, 29 кумуш ҳамда 28 та бронза медали билан кифояланганди. Агар буни Душанбеда ўтган мусобақалар якуни билан таққосласак, эришилган кўрсаткич ёмон эмас. V Марказий Осиё ўйинларида спортчиларимиз 38 та олтин, 38 та кумуш ва 23 та бронза медалига сазовор бўлди. Энг асосийси, мутахассисларимиз бу мусобақада тажрибали спортчилар билан бир қаторда кўпроқ ёшларга ҳам аҳамият беришди. Жумладан, акаларимиз дзюдо, эркин ва юнон-рум курашлари, енгил атлетика бўйича асосан иккинчи таркиб билан қатнашди. Натижа кутилганидек ўз самарасини берди. Мамлакат ёшлар терма жамоалари аъзолари енгил атлетикачилар Оксана Кот, Анастасия Журавлёва, Рустам Хусниддинов, эркин курашчилар Пўлат Ўразимбетов, Азиз Улохунов, юнон-рум курашчиси Камол Холматов, теннисчиларимиз Иванна Исроилова, Сарвар Икромов, курашчи Рустам Бобомуродовларнинг ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олганлиги сўзимиз исботидир.

— Навбатдаги мусобақаларга қайси мамлакат мезбонлик қилади? Ўйинлар дастурида ўзгаришлар бўлиши мумкинми?

— Мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида Марказий Осиё ўйинлари эстафетасини Ўзбекистон Спорт делегацияси раҳбарияти қабул қилиб олди. Яна икки йилдан сўнг, Тошкентда ўтадиган мусобақалар дастурига ўзбек кураши албатта ўн биринчи спорт тури сифатида қўшилади. Шунингдек, шу йил декабрь ойида Тошкентда минтақамиздаги мамлакатлар Миллий олимпия қўмиталари президентлари учрашиб, мусобақа дастурига бошқа турларни киритиш хусусида келишиб оладилар.

Эркин ХОЛБОБО
суҳбатлашди.

✧✧✧

Суратда: 100 метрга югуриш бўйича V Марказий Осиё ўйинлари ғолибаси Гузел Хуббиева.

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) **олган сурат.**

Интер-спорт

Каспаров яна компьютерга рўбарў бўлмоқчи

Машҳур шахматчи Гарри Каспаров компьютер билан баҳслашишга ҳозирлик кўрмоқда. У ноябрь ойида X3D Deep Fritz суперкомпьютери билан «дона» сурмоқчи. «Бу учрашув қисқа тўрт партиядан иборат бўлиб, ниҳоятда мураккаблиги билан ажралиб туради, — дейди Каспаров. — Шахмат тахтасида дона суришга тўғри келмайди, балки 3 марта катталаштирилган экранда воқеаларни кузатиш билан навбатдаги юриш учун овоз беришга тўғри келади. Бундай баҳслашиш биринчи марта ўтказилиши. Яна шуни таъкидлаш жоизки, компьютерга киритилган дастурлар тобора мураккаблашиб бормоқда. Компьютер қўяётган масалаларни ҳал этиш учун вазиятни тўғри баҳолай билиш ва ўйлаб туриб аниқ юришлар қилиш зарур бўлади. Энг қизиғи, ҳар бир компьютернинг ўзига хослигини унутмаслигимиз керак».